| ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ | |
|---|---|
| Тўлиқ: | “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки |
| Қисқартирилган: | “Трастбанк” ХАБ |
| Биржа тикерининг номи:* | TRSB |
| **АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ** | |
| Жойлашган ери: | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 7 уй |
| Почта манзили: | Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 7 уй |
| Электрон почта манзили:* | info@trustbank.uz |
| Расмий веб-сайти:* | www.trustbank.uz |
| **МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ** | |
| Муҳим фактнинг рақами: | **06** |
| Муҳим фактнинг номи: | **Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар, шу жумладан хўжалик жамиятлари кузатув кенгашининг акциялари, корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш бўйича қарорлар** |
| Умумий йиғилиш тури: | Банк кузатув кенгаши йиғилиши |
| Умумий йиғилиш ўтказиш санаси: | 2023 йил 3 август |
| Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана: | 2023 йил 3 август |
| Умумий йиғилиш ўтказилган жой: | Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 7 уй |
| Умумий йиғилиш кворуми: | 100,00% |

| N | Овоз беришга қўйилган масалалар | Овоз бериш якунлари | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Ёқлаш | | Қарши | | Бетарафлар | |
| | | % | сони | % | сони | % | сони |
| 1. | “Трастбанк” ХАБ акцияларини чиқариш ва уларни жойлаштириш шартларини белгилаш тўғрисида. | 100% | 7 | - | - | - | - |
| 2. | “Трастбанк” ХАБ акцияларининг 27-эмиссияси рисоласи ва қарорини тасдиқлаш тўғрисида. | 100% | 7 | - | - | - | - |

**Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:**

**1.** Банк устав капитали ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 (Бир минг) сўм бўлган, 440 000 000 (Тўрт юз қирқ миллион) дона умумий номинал қиймати 440 000 000 000 (Тўрт юз қирқ миллиард) сўмлик қўшимча оддий акцияларни чиқариш йўли билан оширилсин. Қўшимча акция чиқарилишини жойлаштириш муддатлари ва шартлари қуйидаги тартибда белгилансин:

-27-эмиссия доирасида жойлаштириладиган акцияларнинг сони 440 000 000 (Тўрт юз қирқ миллион) дона, ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 (Бир минг) сўмдан;

- Биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида акциялар чиқарилишини жойлаштиришни бошланиш санаси - акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ва имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги хабар эълон қилинган кундан эътиборан 15 (ўн бешинчи) кун;

- қимматли қоғозларнинг ташкил етилган биржа савдосида акциялар чиқарилишини жойлаштириш бошланиш санаси - акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугагандан кейинги кун;

| | |
|---|---|
| | - акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси - мазкур чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган кун. Бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, мазкур чиқарилиш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 365 кундан ошмаслиги лозим;<br>- акцияларни жойлаштириш муддати - ушбу акцияларнинг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб бир йилдан ошмаган муддатда;<br>- акциялар учун ҳақ тўлаш фақат нақд ёки нақдсиз пул маблағларии шаклида, Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади;<br>- ушбу чиқарилишдаги акциялар банк акциядорларига имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи тақдим этилган ҳолда очиқ обуна орқали жойлаштирилади;<br>- қўшимча чиқарилаётган банк акциялари бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган баҳода жойлаштирилади;<br>- акциялар қимматли қоғозларнинг ташкил етилган биржа савдолари орқали жойлаштирилади, бундан акциядорлар томонидан имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини қўллаш ҳоллари мустасно;<br>- Акциялар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи орқали жойлаштирилаётганда акциядорлар билан биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри шартномалар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади;<br>-Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган тақдирда, Банк ушбу ҳодиса тўғрисида расмий маълумотни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади ва инвесторлар томонидан тўланган пул маблағларини 10 (оън) кун ичида уларнинг “Трастбанк” ХАБда ёки бошқа банкларда очилган ҳисобрақамларига қайтаради;<br>-банк акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахсларнинг рўйхати 2023-йил 03-август ҳолатига шакллантирилган банк акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади;<br>- имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдиришнома Ўзбекистон Республикаси “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунда белгиланган тартибда эълон қилинган санадан эътиборан 14 (Ўн тўрт) кун давомида амал қилади. Банк акцияларининг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан еътиборан 10 (Ўн) кун ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли ҳуқуқига ега бўлган акциядорларига ушбу ҳуқуқни амалга оширган ҳолда акцияларни сотиб олиш тўғрисида хабардор қилади. Билдиришнома матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларнинг жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акциялар сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳуқуқи амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим;<br>- имтиёзли ҳуқуққа ега бўлган акциядорлар акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган манзили), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўланганлик тўғрисидаги ҳужжатни банкка юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақлидирлар. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида банкка тақдим ээилиши шарт. |
| 2 | “Трастбанк” ХАБ акцияларининг қўшимча эмиссияси тўғрисидаги қарор ва 27 эмиссия рисоласи 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин. |

Эмитентнинг ижроия органи, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари фойдасига ҳисобланган ва тўланган ҳақ ва (ёки) компенсациялар***

| | Т/р | Ф.И.Ш. | Шахс аъзоси ҳисоблан-ган эмитент органининг номи | Тўлов тури (ҳақ ва (ёки) компенса-циялар) | Ҳисоб-ланган сумма (сўм) | Маблағлар ҳисоблан-ган давр | Тўлов назарда тутилган эмитент ҳужжати | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | - | - | - | - | - | - | - | |

Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш:

**Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш:**

| **Кандидатлар тўғрисида маълумот** | | | | | **Овозлар сони** |
|---|---|---|---|---|---|
| **N** | **Ф.И.Ш.** | **Иш жойи** | **Уларга тегишли акциялар** | | |
| | | | **сони** | **тури** | |

| | |
|---|---|
| | Уставга киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларнинг матни** |